

ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасига карашли
Насос станцияларига сув сарфини онлайн назорат қилувчи курулма урнатиш
бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича
комиссия йиғилиши

БАЁНИ

Самарканд шаҳри

«20» 09 2022 й.

Раислик қилувчи

О.Тоштемиров

Иштирок этган комиссия аъзолари:

А.Бекмуратов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

О.Азизов

Комиссия аъзоси, МУУХАВБ бошлиғи

Ш.Рахмонов

Комиссия аъзоси, бошлик уринбосари

М.Корабаев

Комиссия аъзоси, ТКФБ бошлиғи

Ш.Козоков

Котиб, Давлат харидлари мутахассиси

КУН ТАРТИБИ:

«Насос станцияларига сув сарфини онлайн назорат қилувчи курулма урнатиш»
бўйича.

ЗИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ томонидан 2022-йил 9-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Насос станцияларига сув сарфини онлайн назорат қилувчи курулма урнатиш бўйича №147921-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 16-сентябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Насос станцияларига сув сарфини онлайн назорат қилувчи курулма урнатиш” бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Х/К “ZARAFSHON FAKEL SERVIS” голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЗИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ бош бухгалтери А.Бекмуратовга:

Юкоридагилардан келиб чикиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 16-сентябрдаги электрон баённомасига асосан голиб Х/К “ZARAFSHON FAKEL SERVIS” корхонаси билан кунунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилиш уз зимамда колдирилсин.

Комиссия аъзолари

О.Тоштемиров



Раислик қилувчи

А.Бекмуратов



Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

О.Азизов



Комиссия аъзоси, МУУХАВБ бошлиғи

Ш.Рахмонов



Комиссия аъзоси, бошлик уринбосари

М.Корабаев



Комиссия аъзоси, ТКФБ бошлиғи

Ш.Козоков



Котиб, Давлат харидлари мутахассиси

ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)

ОИД ШАРТНОМА № 2209

Самарканд шаҳри

22.09.2022 йил

«Зарафшон факел сервис»Х/К кейинги уринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Узининг устави асосида иш юритувчи директорни М.Муминов номидан, бир томондан ва ИС ва ЭБ, кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи И.Исмоилов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га насос станцияларида онлайн сув сарфини назорат килиш ускунасини урнатиш (кейинги уринларда-«Хизматлар» деб юритилади) хизмат курсатиш, «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни кабул килиш ва кийматини тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

№	Товар иш хизмат номи	Улчов Бирлиги	Сони	Бир бирлик иш(хизмат) нархи	НДС 15%	Бахоси
1	Насос станцияларида онлайн сув сарфини назорат килиш ускунасини сотиб олиш урнатиш	шт	10	20 200 000	Без НДС	202 000 000
	Жами					202 000 000

1.1. «Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни курсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркиби кисми хисобланган иловада келтирилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи»нинг хукуклари:

2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;

2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофик бераладиган курсатилишини буюртмага мувофик тегишли сифатга эга булган хизматлар курсатилишини талаб килиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга булмаган «хизматлар» курсатилган такдирда уз танлашига кура:

-зарур сифатга эга булмаган «Хизматлар» шунга ухшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

-«Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ехуд учинчи шахслар томонидан тугриланиши харажатларини коплашни;

-бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;

2.1.5. Шартнома шартларини бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланиши «бажарувчи»дан талаб килиш ва йигирма икки иш кунидан кечикган хар бир кун учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан туланиш

2.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

2.2.1 «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида «бажарувчи» билан шартнома тузиш;

2.2.2. Уз буюртманомаси буйича курсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида курсатилган нарх буйича, кабул килиш

-топшириш далолатномаси имзолаган пайдан бошлаб, газначилик булими руйхатидан утказгандан сунг 15 кун мобайнида хак тулаш.

2.3. «Бажарувчи» куйидаги хукукларига эга:

2.3.1. Курсатилган «Хизматлар» учун олдиндан хак туланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини «буюртмачи» дан талаб килиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофик курсатилган «Хизматлар»ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «буюртмачи»дан талаб килиш;

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Газначилик бошкармасида руйхатдан утказилгандан сунг «Хизматлар»ни курсатиш;

2.4.2. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофик ёки «Буюртмачи»томонидан мазкур шартноманинг 4.8.-бандида назарда тугилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда курсатиш;

2.4.3. Агар «Хизматлар»ни курсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул куйган булса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 1 йил муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Бажарувчи томонидан 30% олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «хизматлар»ни 30 иш кун давомида тулик бажариб бериш ва уттиз иш кунидан кечикган хар бир куни учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан копланиш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг бахоси 202 000 000 (Икки юз икки миллион) сумни ташкил этади. Бажарилган хизматлар учун олдиндан тулов 30 % ташкил килади. Колган 70 % ни «Хизматлар» курсатилгандан сунг утказиб берилади. Курсатилган «Хизматлар»нинг бахоси мазкур шартномага илова курсатилган.

3.2. Курсатилган «Хизматлар» учун пул кучириш йули билан нақд пулсиз тартибида хисоб-китоб килинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар» кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. «Буюртмачи»нинг хисоб-китоб хужжатида газначилик булинмаларининг штампида курсатилган сана «Хизматлар»га хак тулаш буйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда курсатилган «Хизматлар»ни кабул килишни рад этишга хаклидир.

4.5. Назарда тутилган микдордан ортикча бир ноида «Хизматлар» курсатилиши Ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги курсатилмаган «Хизматлар» урнини тулдириш сифатида каралмайди ва курсатилмаган «Хизматлар»нинг урни тулдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича курсатиладиган холлар бундан мустасно.

4.6. Курсатилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича кабул килинади. Далолатномада курсатилган «Хизматлар» микдори, уларнинг сифати курсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» курсатилиши мазкур шартномага мавофик ёки «буюртмачи»нинг буюртномаси курсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда «Бажарувчи» буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан утказиш дафтарини юритилади.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртномани бекор килишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли кисмларини курсатиш санасини узгартиришга хаклидир, бу хакда «Бажарувчи»ни буюртномада курсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор килади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Курсатилаётган «Хизматлар» сифат, микдори «Бажарувчи» томонида нотугри аникланишини, уларнинг киймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши холлари аникланган такдирда «Бажарувчи» курсатилаётган «Хизматлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган холда кайта хисоб-китоб килади, хисоблаб чикилган Ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотугри хисоб-китобкилинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.

5.2. Агар курсатилган «хизматлар» нинг сифати ассортименти навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарига (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда, айбдор томон курсатилган, сифати зарур даражада булмаган «хизматлар» кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.

5.3. «Хизматлар» курсатиш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи»га белгиланган устамалардан ташкари курсатилиши керак булган «Хизматлар»нинг 25 фоизи микдорида жарима тулайди. Жаримадан ташкари «Бажарувчи» «Буюртмачи» га «Хизматлар» курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

5.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик курсатилмаган такдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси курсатилмаган «хизматлар» кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томони шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Курсатилган «Хизматлар» учун уз вактида туланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус хисоб ракамидан пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 5 фоизидан ортик булмаслиги керак.

6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контракт шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи» нинг жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) «буюртмачи» томонидан контракт шартномаси буйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «бажарувчи»нинг жавобгарлиги хам куриб чикилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контракт шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижада етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан копланеди.

5.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланеди.

5.9. Бажарилган (таъмирланган) ишдан чикган ишлатилиб эскирган (куйган) рангли металлар белгиланган тартибда бажарувчи томонидан буюртмачи томонга кайтариледи.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли массалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кура, мустикал равишда уларни судгача хал этиш чораларини курадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва назоларни хал этиш учун бевосита судга муружаат килишга хаклидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ.

7.1. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тулик тугаланган такдирда тухтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро кеклишувга асосан еки Узбекистон республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари биноан келтирилган зарарни тулаган холда муудлатидан илгари бекор килиши муькин.

7.3. **202 000 000** (Икки юз икки миллион) сумлик, № 2104 сонли шартнома 22.09.2022-йилда 2 нусхада тузилган булиб тузулган ваьтдан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал килинади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилояти буйича газначилик бошкармасидан белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

8. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларининг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибда бекор килиниши муькин.

8.2. Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларининг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан хакикий хисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларининг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга узгартиришлар (кушимчалар) руйхатдан утказилгандан кейин бажарилиши керак.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

«Зарафшон факел сервес» Х/К
 Манзили: Навоий вилояти Навоий ш
 Тел/факс: 91 333 33 73
 х/р: 2020 8000 6004 5086 8001
 Банк номи : Асака банк Навоий ш
 МФО: 00206
 ИНН: 303265142
 ОКОНХ:

ЗИТХБ хузуридаги НСва ЭБ
 (бюджет маблагларини олувчи номи)
 Манзили: Самарканд ш., Рудакий кучс. 174
 Тел/факс: 234-04-64
 ш/хв: 100021860184017042402170006
 Банк номи: Марказий банк ХККМ
 МФО: 00014 ИНН: 201878214
 ИФУТ: 22100

Рахбар : _____ М.У. Муминов

Рахбар : _____ И.Исмоилов



Хукукшунос имзоси _____

Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ЗИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.



Бажарувчи:



Буюртмачи: